

Ғийбатнинг сабаблари ва ундан қутулиш учун муолажалар (3-қисм)



18:39 / 12.05.2018 3464

3. Мухолафат сабабидан ғийбат қилиш ва унинг муолажаси.

Мухолафат сабабидан ғийбат қилиш деганда озор етказган кишидан хафа бўлиб, уни ёмонлаш ва одамлар олдида унинг айбларини очиб, ғийбат қилиш тушунилади. Азият кўрган кишининг дили оғриб, нафси ўша азият берувчига озор бериб, ўч олишни исташи табиий. Бироқ озор билан жавоб қайтариш ва ёмонлаб, ғийбат қилиш ўрнига уни афв этиш улкан олийжанобликдир. Шунини билиш керакки, ёмоннинг ёмонлиги эвазига эҳсон ва яхшилик қилган киши қиёмат кунини унинг савобларини олади. Аксинча, уни ғийбат қиладиган бўлса, унинг ёмонликлари бунинг китобига ёзилади.

Саъдий раҳимаҳуллоҳ айтади:

Бадийро бадий сахл бошад жазо,

Агар мардий аҳсин ила ман асо.

Назмий маъноси:

Ёмонликка ёмонлик айламак – осон жазо,

Мард бўлсанг, ёмонликка яхшилик қил доимо.

Насрий баёни: *Ёмонликка ёмонлик билан жазо бериш осон. Агар мард бўлсанг, ёмонлик қилганга яхшилик қил.*

Ҳикоя. Иброҳим алайҳиссаломга нозил бўлган саҳифаларда мана шу гап ҳам ёзилган эди: «Эй одам фарзанди, сенга зулм қилганни афв қил. Сенга ёмонлик қилганга яхшилик қил. Шунда жаннатга кириб, Менинг раҳматимга эришасан»..

Ҳадис. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Иммаъа (одамлар қандай бўлса, мен ҳам ўшандай бўламан дегувчи) бўлманглар. (Иммаъа бўлсангиз) «Одамлар яхшилик қилса, яхшилик қиламиз; улар зулм қилса, биз ҳам зулм қиламиз», дейдиган бўлиб қоласизлар. Одамлар яхшилик қилса, яхшилик қилишга, ёмонлик қилса, зулм қилмасликка нафсингизни кўндиринг».**

Насиҳат. Ҳозирги одамларнинг ҳолати ажойиб. Одамлар уларга азият берса, кечириб деган гап хаёлларига ҳам келмайди. Балки: «Биров ўзимизга азият берса, биз унинг отасига ҳам азият берамиз; бизни сўкса, биз унинг етти пуштини сўкиб ташлаймиз. Лекин яхшилик қилса, биз ҳам унга яхшилик қиламиз», дейди. Билмайдик, яхшилик эвазига яхшилик қилиш у қадар камол эмас, балки озор эвазига яхшилик қилиш ҳақиқий камол ҳисобланади.

Насиҳат. Ийсо алайҳиссалоту вассалом айтдилар: «Эҳсон – сенга яхшилик қилган кишига яхшилик қилиш эмас. Зеро, бу – мукофотдир. Ҳақиқий эҳсон – сенга ёмонлик қилган одамга яхшилик қилишдир».

Ҳикоя. Бир одам айтади: «Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васалламни тушимда кўриб, у зотдан: «Одамлар билан аралашиб юрайми ёки улардан ажралиб чиқиб, узлат қилайми?» деб сўрадим. Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васаллам: **«Одамлар билан аралашиб юр, улардан етадиган азиятларга сабр қил»**, дедилар».

«Ғийбат ўзи нима?»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

Таржимон: Ёрқинжон Фозилов